

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭРНАЗАРОВА МАНЗУРА САПАРБОЕВНА

ГРАММАТИК МАЪНО ЛИСОНИЙ ВА ПРАГМАТИК
ОМИЛЛАР ЯХЛИТЛИГИДА

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2018 йил

Докторлик(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Эрназарова Манзура Сапарбоевна Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида	5
Эрназарова Манзура Сапарбоевна Грамматическое значение в целостности языковых и прагматических факторов.....	33
Ernazarova Manzura Saparbоевна The grammatic meaning in the integrity of linguistic and pragmatic factors	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	67

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭРНАЗАРОВА МАНЗУРА САПАРБОВЕВНА

ГРАММАТИК МАЪНО ЛИСОНИЙ ВА ПРАГМАТИК
ОМИЛЛАР ЯХЛИТЛИГИДА

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2018 йил

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil11 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Элтазаров Жўлибой Данабоевич
филология фанлари доктори

Худойберганова Дурдона Сиддиқовна
филология фанлари доктори

Раупова Лайло Рахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Д.И.Салоҳий,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрда тил ва нутқ дихотомиясини, тилнинг лисоний тизимдаги грамматик имкониятларини ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Тил – лисон ва нутқ яхлитлигидаги мураккаб бутунлик эканлиги, лисон нутқда меъёр асосида воқеланиши, нутқ учун асос бўлиб хизмат қилишини замонавий илмий-назарий қарашлар ва методларга асосланган ҳолда тадқиқ этиш долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда грамматик маънонинг лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида тадқиқ этиш тилшуносликнинг шиддат билан ривожланиб бораётган прагмалингвистик, лингвокультуро-рологик, этнолингвистик ва психоллингвистик каби замонавий соҳаларининг тараққиётини таъминлашнинг муҳим омилларидан саналади.

Жаҳон тилшунослигида тилни система сифатида ўрганиш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Замонавий илмий тадқиқотлар марказидаги асосий изланишлар систем-структур ёндашув асосида олиб борилиши натижасида тил бирликлардаги грамматик маънонинг лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида замонавий методологик тамойилларга таянган ҳолда тавсифлаш ҳамда уларни ташкил этувчи бирликларининг лингвистик табиатига хос аниқ назарий хулосалар чиқариш мавзунинг долзарблигини белгилайди. Бинобарин, грамматик маънонинг лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигини жаҳон тилшунослигининг сўнгги ютуқларидан, тадқиқ этишнинг янги методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилини система сифатида ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Натижада системавий ёндашувнинг илк босқичидаги формал тадқиқотлар якуни тилшунослик фанининг янги сифат босқичига кўтарилишини, яъни ўзбек тилини субстанциал асосларда ўрганишни тақозо этди. Субстанциал ёндашувда асосан лисон ва нутқни фарқлаш натижасида лисонни тадқиқ қилишга эътибор қаратилди. Ўзбек тилини яхлит система сифатида ўрганиш тилшуносликни тараққиётнинг янги даражасига мослаштирди. Таъкидланганидек, “...Эндиги вазифамиз – илмий тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган самарали механизмларни яратиш, илм-фанни, илмий-инновацион фаолиятни барқарор ривожлантириш”.¹ Жумладан, ўзбек тилшунослиги XXI аср бўсағасида ўз зиммасига янги ижтимоий буюртма олди. Давр она тили имкониятларидан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш муаммоси билан шуғулланишга жиддий киришишни тақозо этмоқда. Бу эса тил имкониятларининг воқеланишини илмий текшириш заруратини кун тартибига қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни (1995 йил 21 декабрь), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада

¹Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 168-174.

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.¹ Грамматик маънонинг лисоний ва прагматик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cambridge University (Англия), University of Zurich (Швейцария); Seoul National University (Корея); Boston University, University of New York, University of Pennsylvania, University of California (АҚШ); Universitat de Valencia (Испания); University of Tokyo Sophia University (Япония); Australian National University (Австралия); Oxford University Language Centre (Англия); Москва давлат университети, Лингвистик тадқиқотлар институти, Камчатка давлат университети (РФ); Витебский давлат университети (Беларусия); Харьков давлат педагогика университети (Украина); Baki Dövlət universiteti (Озарбайжон); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида нутқнинг системавийлиги, системавий қурилиш табиатига эга бўлган лисоний сатҳлар ва прагматик омилларнинг фикрни шакллантириш ҳамда ифодалаш жараёнида ўзаро ҳамкорлиги, грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги ҳамда мувофиқлигига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: лингвистик ғоялар мазмунида прагматиканинг вужудга келиши, прагматиканинг ўрганилиш тарихи ва ривожланиши асосланган (Cambridge University, Англия; University of Zurich, Швейцария; University of

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.uzh.ch/en.htm, www.zora.uzh.ch, clec@snu.ac.kr, www.bu.edu, www.uv.es, www.u-tokyo.ac.jp/en, www.ras.ru, www.kamgu.ru, www.bu.edu, adwww.ecu.edu.au, unice.fr/en, www.sophia.ac.jp/eng, www.u-tokyo.ac.jp/en, bsu.edu.az, www.msu.ru, www.vsu.bu, www.education.ua/universities, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Pennsylvania, University of California, AQSH); лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши, нутқ кечимининг кутилмаган тус олиши, ночизикли шаклланиши аниқланган (Seoul National University, Корея; Sophia University, Япония); прагматика ғоялари йўналтирувчи дастурлаш, информацион-кидирув тизимлари асосида очиб берилган (Boston University, New York University, AQSH); тил ва нутқ, грамматика ва прагматиканинг ўзаро муносабати аниқланган (Universitat de Valencia, Испания); грамматик маъно муштараклиги, нутқий ифодаланиши, матндаги вазифаси очиб берилган (University of Tokyo, Япония, Australian National University, Австралия, Oxford University Language Centre (Англия); шахснинг лисоний имкониятлардан амалий фойдаланиши, сўзловчи ҳамда тингловчининг шахсий сифатлари, нутқ мақсади, унинг турлари, шакллари, нутқ стратегияси ва тактикаси илмий асосланган (Москва давлат университети, Лингвистик тадқиқотлар институти, Камчатка давлат университети, РФ); тилнинг функционал-семантик ва коммуникатив-прагматик томони, грамматик категориялар назарияси очиб берилган (Камчатка давлат университети, РФ); прагматика тилнинг нутқий жараён, нутқий вазият, сўзловчи ва тингловчи ҳолати, нутқий акт, нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор муаммоларни ўрганувчи соҳа эканлиги асосланган (Витебский давлат университети, Беларуссия); грамматик бирликлар, грамматик воситаларни ўрганиш жараёни грамматик баҳолаш асосида амалга оширилиши ва прагматик аспектда ўрганилиши асосланган (Харьков миллий педагогика университети, Украина); грамматик маънонинг умумий ва хусусий маънолари очиб берилган (Baki Dövlət universiteti, Озарбайжон; Қозоқ миллий университети, Қозоғистон); грамматик маънонинг субстанциал-прагматик хусусиятлари ўрганилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Дунё тилшунослигида грамматик маънонинг лисоний хусусиятлари бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: грамматик маъно нутқий воқеланиши учун бошқа ёндош сатҳларнинг таъсирини аниқлаш; грамматик маъно лисоний моҳият сифатида лексик, синтактик ва прагматик омиллар яхлитлигида нутққа кўчишини асослаш; грамматик маънонинг лингвопрагматик, психолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш; нутқда лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлигини кўрсатиш; грамматик маънонинг умумийлик ва хусусийликда намоён бўлишини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нутқнинг системавийлиги ҳақида маълум фикрлар мавжуд бўлса-да, уларда лисоний бирликларнинг нутқий бирлик, яъни гап ва матнларни ҳосил қилиш хусусиятлари назарда тутилади. Кўпинча, нутқ мураккаб бутунлик сифатида қаралганида, таркибий қисмлар сифатида гап, абзац ва матнга ажратилади. Нутқ системавий (бутунлик) табиатга эгаллиги боис унинг таркибий қисмлари ҳам систем характерда. Кун тартибида системавий қурилиш табиатига эга бўлган лисоний сатҳлар ва прагматик омилларнинг фикрни шакллантириш ҳамда

ифодалаш жараёнида ўзаро ҳамкорлигини системавий усулларда ўрганишга ихтисослашган янги бир тилшунослик йўналиши шаклланишига ижтимоий эҳтиёж мавжуд. Мазкур эҳтиёж ўзбек тилшунослигининг бугунги ҳолати, у қўлга киритган ютуқлар билан белгиланади. Бу эса субстанциал грамматика бўйича дунё тилшунослари билан бирга туркийшунослар ва ўзбек тилшунослари Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, С.Н.Иванов, А.Бердиалиев, Р.Сайфуллаева, М.Бошмонов, Т.Мирзақулов, М.Қурбонова, И.Мадраҳимов, Ш.Акрамов, С.Назарова, М.Абузалова, Ш.Шаҳобиддинова, Л.Раупова кабиларнинг тадқиқотлари билан боғлиқ.¹ Мазкур олимларнинг ишлари асосан алоҳида сатҳлар доираси билан чегараланган, сатҳлараро муносабатлар, нутқда лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги масаласи эса ўз тадқиқини кутмоқда. Шу нуқтаи назардан, грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний ҳамда прагматик омиллар ҳамкорлиги ва мувофиқлиги масаласини илмий асослаш ўзбек тилшунослигининг навбатдаги ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалаларидан биридир. Бу эса нутқнинг системавий табиатини баён қилиш, система сифатида тадқиқ этишининг фалсафий таянчларини ёритиш, умумий система назарияси нутқни яхлит ўрганиш методологияси эканлигини асослаш, грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний омилларнинг вазифаларини аниқлаш, прагматик омилларнинг ўрни ва ролини очиш, уларнинг мослашувини таҳлил қилиш, луғавий ва синтактик шакл ҳосил қилувчи грамматик воситалар маъносининг нутқий қўлланишида лисоний ва прагматик омилларнинг ҳамкорлигини муайянлаштириш, уларнинг мувофиқлигини асослаш каби вазифаларни бажариш билан амалга оширилади. Бунда фалсафанинг билиш назарияси, диалектик мантиқ, шунингдек, тасаввуф

¹ Иванов С. Родословное древно-тюрк Абул-Гази-Хана. Грамматический очерк. – Ташкент: Фан, 1969. – 204 с.; Маҳмудов Н., Нурмонов А. ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992.; Маҳмудов Н. Тил. –Т.: Ёзувчи, 1998. –40 б.; Нигматов Х. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI – XII в.в. – Т.: Фан, 1989. с.191.; Неъматов Х. О характере грамматического значения тюркских форм и категорий // Сов. тюркология. 1980. №6. – С.45.; Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Т.:Ўқитувчи, 1995. Неъматов Х. Тилшуносликнинг фалсафий асослари. – Бухоро, 2005. – Б.60 – 61.; 128 б.; Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Т.: Таълим, 2009. – 159 б.; Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент: Фан, 2008.; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 165 б.; Бердиалиев А. Эргаш гапли кўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. –Тошкент, 1989.; Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўшма гапларнинг формал-функционал тадқиқи.-Тошкент, 1994.; Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал ёндашув ва содда гап қурилиши талқини: Филол. фан. д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 36 б.; Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар. Филол.фан.д-ри ...дис-я. – Тошкент, 2002. –248 б.; Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 24 б.; Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 50 б.; Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. 2-жузв. – Андижон, 1994. – 34 б. Раупова Л. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Филол.фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2012. – 220 б.; Зикриллаев Ғ. Истиклол ва она тили қурилиши талқини ҳамда таълими. – Бухоро, 1998. – 112 б.; Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида. – Тошкент: Ниҳол, 2010. – 192 б.; Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда воқеланиши: Филол.фан.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 20 б.; Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол ([WPM] валентлиги аспектида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 22 б.; Мадраҳимов И. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари: Филол.фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994.–141 б.

фалсафаси, умумий система назарияси, лисон ва нутқ дихотомияси, шунингдек, Н.Арутюнова, Д.Ашурова, В.Богданов, Е.Кубрякова, В.Гак, Ш.Сафаров, Ж.Остин, Г.Почепцов каби қатор назариётчи тилшуносларнинг илмий-назарий қарашлари методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Замонавий ўзбек тилшунослигида Ҳ.Неъматов, М.Аъламова, Ш.Шаҳобиддинова, Б.Менглиев, Б.Баҳриддинова, О.Шукуров умумий грамматик маъно масаласини субстанциал асосларда махсус тадқиқ этишган. Грамматик маъно нутқ таркибида қаралганида нутқнинг гетероген табиатли система эканлиги, лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигида бўлиши ҳамда шу хусусияти асосида лисоний системадан фарқланиши, грамматик маъно лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигида воқеланиши, бунда лисоний омиллар кучайганида нолисоний омилларнинг сусайиши, нолисоний омиллар кучайганида эса лисоний омиллар сусайиши эътиборни тортади. Демак, айтиш мумкинки, грамматик маънонинг нутқий воқеланиши талқини сифатидаги учинчи босқич системавий текширишлари лисоннинг нутқий воқеланишини ўрганишдаги антропоцентризм, дискурсив таҳлил тамойиллари билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг умумлаштирилган ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунини монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институтининг “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўрганилаётган “Ўзбек тилининг тарихий тараққиёти ва замонавий тенденциялари” режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги ва мувофиқлиги масаласини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нутқни система сифатида тадқиқ қилишнинг фалсафий асосларини ёритиш;

умумий система назарияси нутқни яхлит ўрганиш методологияси эканлигини асослаш;

грамматик маънонинг нутқий воқеланишида прагматик омилларнинг ўрни ва ролини ёритиш;

грамматик маънонинг воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар мувофиқлигини асослаш;

луғавий шакл ҳосил қилувчи воситалар грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний омилларнинг ўрни ва ролини ёритиш;

луғавий шакл ҳосил қилувчи воситалар грамматик маъносининг нутқий воқеланишида прагматик омилларнинг ўрни ва ролини асослаш;

луғавий шакл ҳосил қилувчи воситалар грамматик маъносининг воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар мувофиқлигини асослаш;

синтактик шакл ҳосил қилувчи воситалар грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний омилларнинг ўрни ва ролини ёритиш;

синтактик шакл ҳосил қилувчи воситалар грамматик маъносининг нутқий воқеланишида прагматик омилларнинг ўрни ва роли ҳамда ҳамкорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида грамматик маъно танланган.

Тадқиқотнинг предметини грамматик маънонинг нутқий воқеланишидаги лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таҳлил (анализ), синтез, индукция, номиналистик, диалектик, синергетик, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, компонент ва контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нутқнинг система сифатидаги фалсафий асослари очиб берилган;

умумий система назарияси нутқни яхлит ўрганиш методологияси эканлиги асосланган;

грамматик маънонинг лисоний моҳият сифатида лексик, синтактик ва прагматик омиллар яхлитлигида нутқий воқеланишида морфологик воситалар – луғавий ва синтактик шакл ҳосил қилувчиларнинг ўрни ва роли муҳимлиги далилланган;

грамматик маънонинг нутқий воқеланишида прагматик омиллар (сўзловчи интенцияси, лисоний, когнитив ва мулоқот қобилияти, социал мавқеи)нинг ўрни ва роли аниқланган;

грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги ва мувофиқлигининг ўзига хос антропо-прагматик жиҳатлари очиб берилган;

лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишида прагматик омилларнинг таъсири, тилнинг лисон ва нутқ яхлитлигидан иборатлиги, лисоний бирликлар табиати, уларни бирлаштирувчи системавий муносабатлар – лисоний зиддиятлар, тилга прагматик ёндашув омиллари, нутқий система лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигида юзага чиқиши фактик материаллар асосида далилланган;

грамматик маънонинг воқеланишида лисоний ва прагматик омилларнинг ўзаро мувофиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

шахснинг лисоний имкониятлардан амалий фойдаланиши сўзловчи ҳамда тингловчининг шахсий сифатлари, нутқ мақсади, унинг турлари, шакллари, нутқ стратегияси ва тактикаси, нутқ одоби, мулоқот маданияти, сўзловчи ёки тингловчининг дунёқараши, билим даражаси, қизиқишлари каби қатор нолисоний омиллар билан муштарак ҳолда юзага чиқиши аниқланган;

нутқ гетероген табиатли система бўлиб, таркиби ҳар хиллиги билан характерланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

нутқий системанинг лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигида амал қилиши фактик материаллар асосида далилланган;

грамматик маънонинг лексик, синтактик ва прагматик омиллар ҳамкорлигида нутқий воқеланиши очиб берилган;

грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний омиллар кучайганда, нолисоний омилларнинг сусайиши асосланган;

грамматик маънонинг нутқий воқеланишида нолисоний омиллар кучайганда, лисоний омилларнинг сусайиши қиёсий аспектда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ҳамда бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар анализ, синтез, индукция, номиналистик, диалектик, синергетик, қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий усуллар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга кенг жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тилимиздаги лисоний сатҳларнинг нутқий воқеланишини тадқиқ қилишда назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тўпланган материаллар узлуксиз таълим тизими ҳамда олий таълимдаги “Она тили” ва “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ўқув курсларини такомиллаштиришда, тилшунослик бўйича янги – прагматик йўналишни ривожлантиришда, академик грамматикалар тузишда, мулоқот маданияти ва самадорлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқишга доир ўқув ва услубий қўлланмалар яратишда лисоний бирликларнинг семантик структураси ва прагматик хусусиятларига оид монографиялар, ўқув қўлланмаларининг мукамаллаштиришига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги ва мувофиқлигининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

грамматик маънонинг нутқий воқеланиши тадқиқи жараёнида ишлаб чиқилган, илмий асосланган *адресант, адресат, антропоцентризм, валентлик, дейксис, дихотомия, доминанта, когнитив, мулоқот, прагматика, пропозиция, субстанция, факультатив* каби луғавий бирликларнинг изоҳлашга оид хулосалардан ФА-Ф1-Г041-рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 89-03-2533-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида кўплаб луғавий бирликларнинг изоҳлари мукамаллаштирилган;

лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишида прагматик омилларнинг таъсири, тилнинг лисон ва нутқ яхлитлигидан иборатлиги,

нутқни система сифатида тадқиқ қилиш борасидаги назарий хулосалардан ОТ-Ф8-057-рақамли “Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 89-03-2533-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга тадбиқ этилиши тил бирликларини нутқий воқеланишини тадқиқ қилишда жаҳон тилшунослиги материалларидан фойдаланишда, нутқий системанинг лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигига амал қилишини ёритишда муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

грамматик маънонинг нутқий воқеланиши тадқиқи жараёнида ишлаб чиқилган, лисоний имкониятларни сўзловчи, тингловчи, уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатига оид назарий хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919-рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 89-03-2533-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан грамматик шаклларнинг маънолари воқеланишидаги лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги жараёнида тегишли луғавий бирликларнинг (мулоқот, нутқ, ёзма ва оғзаки нутқ, методология, пайғамбар, мавҳум, хаос, интенция, лирик чекиниш) таҳлиллари ва изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши, сўз ва қўшимчаларнинг кўчма маъноларда қўлланиши, нутқий интенция, оғзаки ва ёзма нутқ ҳамда мулоқот жараёнида тартиб ва тартибсизлик ҳолатларининг лисоний ва нолисоний омиллар уйғунлиги асосида юзага чиқишига оид назарий хулосаларидан ХТ-Ф-2-004-рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 89-03-2533-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар грамматик шаклларнинг воқеланишидаги лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги жараёнида тегишли луғавий таҳлиллари ва изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

тадқиқот натижаларидан олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган “Hozirgi o'zbek adabiy tili” (ISBN 978-9943-10-436-5) дарслигида ҳамда “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (ISBN 978-9943-4726-2-4) электрон дарсликларини тайёрлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 89-03-2534-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларнинг тилнинг морфология сатҳи, грамматик маъно ва грамматик шакл, грамматик категория борасидаги билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma'rifat” телеканалининг “Тил зийнати”, “O'zbekiston” телерадиоканалининг “Ижод завқи”, “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт” кўрсатувларини ва “Бедорлик” эшиттиришини тайёрлашда диссертация материалларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma'rifat” телеканалининг 2018 йил 5 апрелдаги 01-16/191-сон маълумотномаси, “Ўзбекистон” телеканалининг 2018 йил 23 апрелдаги 04-25-616-сон

маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 15 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 226 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Нутқни система сифатида ўрганиш методологияси. Тилга прагматик ёндашув омиллари”** деб номланган. Бобнинг **“Нутқни система сифатида тадқиқ қилишнинг фалсафий асослари”** биринчи бўлимида илмий тадқиқот методологияси ва унинг аҳамияти, лисоний ва нутқий системани тадқиқ қилиш методологиялари, синергетика ва унинг шаклланиш зарурияти, нутқда тартиб ва хаос масалалари кенг таҳлил қилинган. Фалсафий нуқтаи назардан бир нарсага берилган хилма-хил таъриф, баҳо, аслида, бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи тавсифлар сифатида баҳоланиши лозим, уларнинг ҳар бирини тўғри қабул қилиш учун қайси методологик асосдан келиб чиқиётганини аниқлаш керак бўлади. Давр ва ижтимоий талаб нуқтаи назаридан тадқиқ методологияси турлича бўлиши мумкин. Хусусан, тадқиқ қилинаётган системанинг тури ва танланган методология мукамаллиги тадқиқотнинг сифатини белгилайди.

Фанда умумий системаларни ўрганиш методологияси мукамал ишланган, давр эса хусусий системаларни илмий тадқиқ этишни кун тартибига қўймоқда. Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида лисоний зиддиятларни тадқиқ қилишдан лисоний бирликларнинг нутқда ҳамкорлик қилиб, яхлитлик касб этадиган жиҳатларига эътибор қаратиш кучаймоқда. Бу эса синергетик методологиянинг аҳамиятини оширмоқда.

Синергетика (synergia – “хамкорлик”, “хамжихатлик”) табиат, жамият ва тафаккурдаги мураккаб курилмали динамик тизимларнинг ўз-ўзини шакллантириш жараёнини, бу жараённинг қайси босқичида хаос устуворлашиши, хаос асосидаги тартиб, тартиб асосида хаосни вужудга келтирувчи омиллар, мавжуд умумий моҳиятли қонуниятларнинг жараён вазиятига боғлиқ равишда сусайиши, ҳодисаларнинг қонуният ва моҳиятдан маълум даражада (лекин мутлақо эмас) четлашиши (флуктуация), беқарорлик замиридаги барқарорлик, барқарорлик асосида вужудга келган беқарорлик ҳолатларини, мўлжалли ва мўлжалсиз тараққиёт, тараққиётнинг ажралиши ва йўлларнинг муқобиллиги (бифуркация) каби анъанавий фалсафий диалектика эътиборга олмайдиган ва эътироф этмайдиган ҳодисалар билан шуғулланади. Синергетика билан боғлиқ масалаларни Г.Хакен, И.Пригожин, Ж.Николис, И.Стенгерс ва бошқа олимлар ҳам ўрганишган. Шу ўринда Г.Хакеннинг “синергетика мураккаб бўлган тизимларда барқарор структураларнинг ва ўзини ўзи ташкил этишларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи, ниҳоятда кўп сондаги тизим элементлари ўзаро муносабатларининг жамоавий эффектлари йиғиндиси”¹ деган фикри илмий манбаларда алоҳида қайд этилган.

Ўзини ўзи ташкил этувчи бошқа системаларда бўлгани каби, нутқнинг хаотиклиги ҳам инсоний фикрлаш жараёнининг тартибли ва тартибсиз кечиши нисбатининг ўзига хослиги билан белгиланади. Нутқий оқимда тартиб ва хаос муайян қонуниятлар асосида, тартиб диалектик тамойиллар ва тартибнинг зоҳирий намоён бўлиши сифатидаги хаос эса ўзини ўзи ташкил этувчи муайян системаларга қўйиладиган мезонлар асосида таҳлил қилинади.

“Система назарияси нутқни яхлит ўрганиш методологияси сифатида” деб номланган иккинчи бўлимда система тушунчасининг когнитив структураси, нутқий системанинг гетерогенлиги, мулоқот тизимида шахс унсури хусусиятлари, системавий ёндашувнинг янги босқичида грамматик маъно талқини ўрганилган. Система ва унинг хусусиятлари талқини фан тушунчаси билан тенгдош дейиш мумкин. Зеро, тўлақонли фан ўрганиш объектига система сифатида ёндашиб, у ёки бу даражада унинг макросистемада тутган ўрни, элементлари таснифи ва тавсифи билан шуғулланади. Система ҳақидаги илк тасаввурлар антик фалсафада шаклланган. Юнон фалсафаси ва фанида система тушунчаси билимларга нисбатан қўлланган (Евклид, Платон, Аристотель ва б.). Кейинчалик бу тушунчани Б.Спиноза ва Г.Лейбниц ривожлантириб, умуман, борлиққа нисбатан татбиқ қилишган². Кўринадики, *система* лексемаси динамик концепт сифатида “борлиқ ҳақидаги билим” моҳиятидан “яхлитлик” моҳиятига чуқурлашган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам “яхлитлик” кўзга ташланади. Биринчи ҳолатда борлиқ инъикосининг яхлитлиги, иккинчи ҳолатда эса борлиқнинг ўз яхлитлиги назарда тутилади. Шу асосда “система”

¹Хакен Г. Синергетика. – М.: Мир, 1980. – С.40.

²Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б.654.

тушунчасига когнитив нуқтаи назардан яхлитлик концепти билан ҳам маънодош бирлик сифатида қараш мумкин. Система концепти, бир томондан, “унсур”, “муносабат” концептлари билан, бошқа томондан эса “систем”, “системавий”, “систематика”, “системалаштириш” тушунчалари билан маъновий ва концептуал уйғунлик касб этади. Демак, система лексемасининг саналган шаклларидаги муносабат тури унинг концептуал моҳиятини тавсифлашда асос бўлиб хизмат қилади: 1) “система” ↔ “билим”; “система” ↔ “яхлитлик”; 2) “система” ↔ “унсур” ↔ “муносабат”; 3) “система” ↔ “системавий” ↔ “системалаштириш” ↔ “систематика” ↔ “системалогия”.

Муайян системалар ўз таркибининг гетерогенлиги билан характерланади. Гетерогенлик бу системаларнинг ҳаётийлигини таъминлайди. Прагмалингвистиканинг ўрганиш объекти бўлган мулоқот – ана шундай гетероген система. Ўзбек тилшунослигида мулоқот системасининг айрим хусусиятлари тадқиқ қилинган.¹

Профессор Ш.Сафаров «Прагмалингвистика» монографиясида мулоқот системасининг айрим унсурлари ҳақида маълум бир фикрларни баён қилган². Ҳар қандай система, у идеал ёки реал бўлишидан қатъи назар, ўзаро муносабатга киришувчи унсурларнинг яхлит бутунлигидан иборат. Ана шу яхлитлик даражаси системанинг кучи ва барқарорлигини белгилайди. Нарса ёки ҳодиса ўзи мансуб бутунлик учун унсур, ташкил этувчиси учун система ёки бутунлик сифатида мавжуд бўлади. Бу бизнинг талқинимиздаги мулоқот системаси учун ҳам тегишли. Мулоқот системаси ҳақида гап кетганида айтиш лозимки, у нутқда ҳам мураккаб таркибли реал ва жонли система сифатида юзага чиқади.

Мулоқот системаси унсурлари орасида шахс унсурининг ўзига хос ўрни бор. Шахс унсури, мулоқот системасида вазият унсури билан бирга, асосий ўринни эгаллайди. Зеро, бу икки унсур ушбу тизимда доминантлик қилади. Аммо шахс вазиятдан фойдаланади, лекин вазият шахснинг мулоқот интенциясига (мақсадига) таъсир қилмаса-да, интенцияга эришиш усулини ўзига мослаштиришини талаб этади. Шахс мулоқотнинг боғловчи воситаси, унсури бўлган лисоний воситаларни танлаш ва ўринли ишлата билиш учун қуйидаги белгиларга эга бўлиши зарур: а) лисоний қобилият; б) когнитив қобилият; в) мулоқот қобилияти. Шахснинг дискурсив фаолияти прагмалингвистик таҳлиллар марказида туради. Шу асосда нутқий системанинг унсурлари уч хил – лисоний, шахсий ва прагматик табиатли бўлиши ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

“Тилга прагматик ёндашув омиллари” деб номланган учинчи бўлимда ўзбек тилшунослигида грамматик маъно талқини, босқичлари ва истиқболлари, лисоний ҳодисаларга прагмалингвистик ва лингвопрагматик ёндашувлар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Грамматик маъно талқини ўзбек тилшунослиги билан тенгдош

¹Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. – 40 б.

²Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б.285.

дейиш мумкин. Шу боисдан унинг ўрганилиш босқичлари тилшуносликнинг тараққиёт босқичлари билан мос. Ўзбек тилшунослиги замонавий фан сифатида ўзининг формал ва субстанциал ўрганиш босқичларини босиб ўтиб, янги – антропоцентризм босқичига қадам қўймоқда. Шунинг учун грамматик маъно талқини босқичларини ҳам шу йўсинда даврлаштириш мақсадга мувофиқ. Грамматик маънони ўрганишнинг формал босқичи Фитрат тадқиқотлари билан бошланиб, А.Ғуломов таълимотида ўзининг юксак даражасига қўтарилди. “Ўзбек тилшунослиги тарихида улар шу жиҳатдан фаҳмий усулда алоҳида-алоҳида равишда атрофлича ўрганилиб, бой далилий ашёлар тўпланди. Ўзбек тилшунослари бу босқичдаги вазифаларни шараф билан адо этишгани ҳолда, навбатдаги босқичда улар асосида, барча тил бирликлари каби морфологик шаклларни ўрганиш борасида ҳам талай муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжлари ва имконияти вужудга келди”.¹ Ўзбек тилшунослигининг субстанциал босқичида морфологик шаклларнинг янгича талқини шаклланди. Аввало, грамматик маънода умумий ва хусусий томонларни алоҳида-алоҳида ажратиб ўрганиш асосий вазифалардан бири сифатида қўйилди. Бу муаммо тилшунос Ҳ.Неъматовнинг қадимги туркий ёдгорликлар морфологиясига бағишланган тадқиқотида кун тартибига тушган², бир гуруҳ тилшунослар томонидан белгиланган вазифалар матуботда эълон қилинган эди.³ Ушбу масала қатор тилшунос олимларимиз томонидан номзодлик ва докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилинди. Масалан, айнан грамматик маъно лисон ва нутқ бўлиниши нуқтаи назаридан тилшунос Ш.Шаҳобиддиновнинг номзодлик диссертациясида ўзбек тилидаги сон категорияси, докторлик диссертациясида, умуман, грамматик категориялар мисолида тадқиқ этилди.⁴ Айниқса, тилшунос Б.Менглиевнинг докторлик диссертациясида грамматик маънонинг нутқий воқеланиши лисоний тизим яхлитлиги нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши ушбу мавзунинг ўрганишнинг янги прагматик тадқиқи босқичи учун замин яратди⁵.

Ўзбек субстанциал тилшунослиги бугунги кунда грамматик маъно таҳлилида “нутқ-лисон” тамойили асосидаги изланишлар босқичини муваффақиятли босиб ўтиб, ўз тараққиётининг янги сифат босқичи – “лисон-нутқ” тамойили асосида тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжини бошдан кечирмоқда. Лисоний структура – лисоний бирликлар ва муносабатлар

¹ Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида. – Тошкент: Нихол, 2010. – Б.115.

² Нигматов Х. Морфология восточно-тюркского языка XI – XII вв: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Баку, 1978.

³ Нигматов Х., Абдуллаев К. и др. Способы синтаксической связи и актуальные вопросы тюркского синтаксиса. Тезисы формально-функционального исследования // Сов.тюркология. 1988. №4. – С.103 – 106; Нигматов Х., Абдуллаев К., Банару В., Махмудов Н., Мухамедова Д., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. Тезисы формально-функционального исследования // Сов.тюркология. 1984. №5. – С.3 – 10.

⁴ Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 24 б; Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши: Филол. фан. д-ри... дис. автореф. – Тошкент, 2001. – 50 б.

⁵ Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2001. – 248 б.

тадқиқи бўйича кўлга киритилган илмий-назарий хулосаларга таяниб, синергетик тадқиқ методологияси асосида тил бирликларини дискурсив таҳлил қилиш – кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири. Бу эса ўзбек субстанциал прагмалингвистикасидан грамматик ҳодисаларни “умумийлик-хусусийлик” тамойили асосида дискурсив таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Ўзбек тилшунослигида тилни жонли воқеланишда тадқиқ қилувчи турли янги лингвистик парадигмалар иш кўра бошлади. Прагмалингвистика ёки лингвопрагматика – тилшуносликнинг ана шундай йўналишларидан бири. Аммо кейинги йилларда прагматик “фетишизм” пайдо бўлди, бажарилган тадқиқотларда бу атаманинг кўлланишидан ташқари, унинг мазмунига оид бирон-бир маълумотни топиш қийинлашиб бормоқда¹. Айниқса, лингвистик прагматика ёки прагматик лингвистиканинг тилшунослик ва прагматикага алоқаси масаласини, уларнинг ўрганиш объектини ойдинлаштириш зарурати кучаймоқда.

Прагматика инсоннинг коммуникатив фаолияти, унинг маҳсули бўлган мулоқот жараёни ва мулоқот вазияти воситасида юзага чиқади. Прагматика объекти аниқ форма ва қиёфадан холи, уни адресант ва адресат табиати ҳамда уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатини коммуникатив вазият билан боғлайдиган муаммолар мажмуи ташкил қилади. Ҳар бир ҳодисани холис номлаш тамойилига кўра, “мулоқот системаси → лисоний система” тамойили асосидаги ёндашувни лингвистик прагматика (яъни тилшуносликнинг прагматик соҳаси) эмас, балки прагматик лингвистика (яъни прагматиканинг тилшунослик соҳаси) атамаси билан юритиш ва мантиқан нолингвистик соҳа сифатида қарамоқ лозим.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тилшунослик ўз тараққиётининг ҳар бир даврида зиммасидаги масалаларни ҳал этиш учун муайян методологик қонуниятларга асосланади. Давр талаби, ижтимоий зарурат ва фаннинг тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда лингвистик тадқиқотларда эмпирик ва назарий; материалистик, идеалистик, синергетик методология турларидан бирига билиш асоси сифатида муносабатда бўлади. Шу нуқтаи назардан, тил системасининг ҳам турли қирраларига ўзига хос муносабатда бўлади. Тилшуносликнинг назарий босқичда тил системасининг мавжудлик қонуниятлари, эмпирик босқичда эса бу системалардан амалий фойдаланиш самарадорлиги муаммолари илмий ўрганилмоқда. Кўринадики, умумфалсафий методология турлари умумфан характеридаги система назарияси билан боғланиб кетади. Зеро, эмпирик ёндашувда системанинг бир жиҳати ўрганилса, назарий ёндашувда бошқа томони тадқиқ этилади. Системадан элементга ёки элементдан системага борилар экан, “хусусийлик → умумийлик” ёки “умумийлик → хусусийлик” методологиясидан, дедуктив ва индуктив фалсафий тадқиқ усулларидан ҳам бири танланади.

Тилдан амалий фойдаланиш самарадорлиги муаммосининг ечими учун лингвистик база тайёрлаш билан шуғулланувчи прагмалингвистика

¹Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б.53.

“умумийликдан хусусийликка”, “системадан элементга”, “лисондан нутққа”, “тартибдан хаосга” каби тамойилларга методологик асос сифатида таянади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар муносабати”** деб номланган бўлиб, ушбу бобнинг биринчи бўлимида **“Грамматик маънонинг нутқий воқеланишида лисоний омиллар ҳамкорлиги”** масаласи таҳлиллар асосида ёритилган. Лисоний бирликларнинг ўз мавҳум системаси таркибидан чиқиб, ҳамиша янги – ўзини ўзи ташкил этувчи жонли ва динамик системадан ўрин эгаллаши ўта мураккаб ва оний жараён. У (диалектик) зиддиятлар муҳитидан чиқиб, (синергетик) ҳамкорлик шароитига тушади. Зеро, таркибининг уйғунлиги ва мувофиқлиги – синергетик системанинг яшаш шарти. Бунда лисоний бирликларда сифатий ва миқдорий ўзгаришлар содир бўлади. Лисоний бирлик, ўзи мансуб системанинг унсури бўлиш билан бирга, ўзи ҳам шакл ва маънонинг бирлигидан иборат яхлитлик – система. Масалан, кўплик сон шакли бирлик сон билан биргаликда сон категориясини ташкил қилади. Улар бир системанинг икки унсури сифатида зидлик ҳосил қилиб, мавжудлик касб этади. Аммо ўз ўрнида кўплик сон кўрсаткичи [-лар] нинг нутқий воқеланиши, яъни нутқий системадан унсур сифатида ўрин олиши ва ўзи ҳам бу динамик системанинг таркибида микросистема сифатида мавжуд бўлиши синергетик қонуниятлар асосида юз беради. Биринчидан, кўплик сон кўрсаткичининг умумий грамматик маъноси¹ нутққа чиқиш жараёнида парчаланаяди – дастлаб оралиқ грамматик маъноларга, оралиқ грамматик маънолар эса, ўз навбатида, хусусий грамматик маъноларга ажралади, яъни полифуркация ҳодисаси юз беради, бир вазиятда парчаланган хусусий грамматик маънодан фақат биттаси воқеланади. Сон категорияси [-лар] шаклининг умумий грамматик маъноси “миқдорий ноаниқлик ва сифатий бўлинувчанлик”, у “кўплик”, “жамлик”, “боғлиқлик ёки ўхшашликка асосланган кўплик” оралиқ грамматик маъноларига ажралиши манбаларда таъкидланади. Тилшунос Б.Менглиев ушбу оралиқ грамматик маъноларнинг вужудга келишида (яъни умумий грамматик маънонинг парчаланишида) флукуацияни вужудга келтирувчи омил сифатида фақат лисоний (лексик, синтактик) сатҳ бирликларини тушунади². Умуман олганда, морфологик шакллар грамматик маъноларининг нутқий воқеланишида флукуатив куч сифатидаги лисоний омилларнинг ўрни анча тадқиқ этилганлиги билан характерли. Аммо ҳодисани синергетик нуқтаи назардан ўрганиш, умумий маънонинг парчаланиш жараёнини ўзи-ўзини ташкил этувчилик ва ўз-ўзидан ривожланувчанлик жиҳатидан баҳолаш синергетик лингвистиканинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Грамматик шакллар умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланиши – бўлиниши ва юзага чиқишида лисоний омилларнинг ўзига хос ўрни бор.

¹ Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – Б.13.

² Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида. Монография. – Тошкент: Нихол, 2010. – Б.123.

Бобнинг “Грамматик маънонинг нутқий воқеланишида прагматик омиллар” деб номланган иккинчи бўлимида грамматик сатҳдаги лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигининг ифодаланиши баён этилган. Нутқий системада лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги масаласи жаҳон тилшунослигида П.Грайс, Ж.Серль, Д.Франк, Т.Дейк ван, И.Кобозева, С.Кацнельсон, А.Леонтьев, Л.Щерба, Н.Арутюнова, В.Богданов, Н.Формановская, С.Каган, Л.Крысин; ўзбек тилшунослигида С.Иброҳимов, Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, Ғ.Абдурахмонов, А.Бушуй, Т.Бушуй, Ш.Сафаров, Ш.Искандарова, С.Мўминов, Б.Раҳматуллаева, М.Камолова, Р.М.Авезджанова, Д.Тешабоева, З.Утешева, З.Акбарова каби лингвистларнинг ишларида учрайди. Улар нутқий системадаги турли омилларнинг ҳамкорлигини бевосита ёки билвосита қайд этишган. Хусусан, грамматик кўрсаткич грамматик маъно ифодалайдими ёки ўзи бирикаётган мустақил лексемаларнинг субстанциал табиатида мавжуд тегишли маъноларни рўёбга чиқарадиган, катализатор вазифасини ўтайдиган ёрдамчи воситами деган муаммонинг гарчи ечимини топиши номуқаррар бўлса-да, мавжуд эканлиги – фикримизнинг далили.

Прагматик муҳит ташкил этувчилари миқдоран ранг-баранлиги ва кенг камровлиги билан характерланади. Шахс, вазият, шароит орасида шахс омили, коммуникантларнинг табиати ва мавқеи, ўзаро муносабати қабилар муҳим аҳамиятга эга. Биргина шахснинг нутқий ҳолати жинсий тафовут, феъл, савия, ижтимоий мавқе, ёш, маълумот, мутахассислик, соғлиқ, кайфият каби кўринишлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири лисоний бирликлар, хусусан, грамматик шаклларнинг нутқий воқеланишига маълум даражада таъсир кўрсатади – баъзан флуктуация даражасида, баъзан ундан қуйи мақомда туради. Айрим мисолларга мурожаат қиламиз. “Ўткан кунлар” романида шундай эпизод мавжуд: *Ҳомид қўлини бўшатишга тиришар экан, Отабек салмоққина қилиб деди: – Ортиқча ошиқмангиз, Ҳомидбой, мен сизнинг ханжарлик қўлингизни бўшатаман ҳозир, аммо шунгача сиз билан икки оғиз сўзим бор! Ҳомид ҳануз қўлини бўшатишга кучанар эди. – Кучанмангиз, Ҳомидбой! – Мард йигит бўлсанг қўлимни қўй! – Ошиқма, қўяман! – деди Отабек...*¹ Эътибор қилинса, Отабек нутқида Ҳомидга нисбатан бир грамматик шакл икки хил кўринишда, номутаносиб қўлланган: бир ўринда *ошиқмангиз, кучанмангиз* шаклида, иккинчи бир ўринда *ошиқма* кўринишида. *Ошиқмангиз, кучанмангиз* феъл шаклларида шахс-сон шакли қаватланган, бунда у “тарихийлик”, “китобийлик”, “қўтаринкилик”, “сарой муҳитига хослик”, “расмийлик”, “сунъийлик”, “ҳурмат” каби маъно хусусиятлари билан характерланади. Отабек билан Ҳомиднинг муносабати маълум, бу муносабатнинг шаклланишига, Отабек таъкидлаганидек, Ҳомиднинг унга қарши “чексиз жониворликлар ишлаткан”и, “ҳисобсиз тиллалар тўқдирган”и, қора чопончи деб дор остигача олиб боргани, Мусулмонқул қўлига топширгани, номидан талоқнома ёзиб, икки йиллаб рафиқасидан айриб турганлиги каби хатти-

¹Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.248 – 249.

ҳаракатлари сабаб бўлган. Қолаверса, Отабекнинг Ҳомидни Кумушнинг ётоғига қараб лаҳм қовлаётган ҳолатида учратиб туриши унинг нутқида “китобийлик”, “кўтаринкилик”, “сарой муҳитига хослик”, “расмийлик”, “хурмат” маънолари бўлишини тақозо қилмайди ва юз бериши муқаррар аёвсиз олишув ҳар қандай мулозаматни четга суриб қўйиб, ҳар бир сониядан унумли фойдаланишни талаб қилади. Тўғри, Отабек аслзодалар муҳитида ўсган. Лекин ҳозирги қалтис вазиятда Ҳомидга муносабатида бу ҳолати панд бериши ҳам мумкин, шунинг учун худди жангдаги ёки овдаги сингари ўзининг тадбиркорлик ва чаптастлик хислатларини намоён қилиши шарт. Шунинг учун грамматик шаклда зикр этилган маъноларнинг бўлиши прагматик нуқтаи назардан ўринли эмас. Бунга Ҳомиднинг гапига (*Мард йигит бўлсанг қўлимни қўй!*) жавобан айтган гапида (*Ошиқма, қўяман!*) қўлланган грамматик шакл ҳам қўшимча асос бўлади. Маълумки, [-нғ] грамматик шаклининг [-нғиз] шаклида қўлланишида “пичинг” маъноси ҳам ифодаланади. Айниқса, одатда, “сен”ланадиган кишиларга нисбатан киноявий маъно ифодалашда ушбу усул кенг ишлатилади. Ҳатто учинчи шахс шакли ҳам иккинчи шахсга нисбатан қўлланаверади. Отабекнинг Ҳомидга нафратли муносабати натижасида туғилган киноявий кайфият шахс-сон шаклининг “пичинг, кесатик” маъносини намоён қилувчи фаол прагматик омил сифатида баҳоланишга лойиқ. Аммо бу омил ва унга мувофиқ воқеланган маъно бошқа омиллар ҳамда уларга мос маъноларнинг воқеланишини йўққа чиқармайди. Масалан, Ҳомид шахс-сон шаклининг [-нғиз] вариантини ҳеч қачон нутқида қўлламайди ва бу тафовут коммуникантларнинг қайси муҳитда вояга етганлари билан белгиланади. Шу билан бирга, Отабек киноя учун учинчи шахс кўрсаткичини ҳам қўлламайди: *ошиқмасинлар, кучанмасинлар* тарзида. Бунда киноя-кесатик даражасига етган ҳамда «хурмат» маъноси ўта кучсизлашган, ҳатто бутунлай сўнган бўлиши ҳам мумкин эди. *Ошиқманғиз, кучанманғиз* сўзшакллари *ошиқмасинлар, кучанмасинлар* сўзшакллари билан қиёсланса, улар орасидаги фарқ ва тафовут «хурмат» маъносининг у ёки бу даражаси билан белгиланади. Отабекнинг ўша пайтдаги оний кайфияти ҳам грамматик шаклни қўллашдаги икки хилликни келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Киноянинг сабаби эса, албатта, аламзадалик, қасос олиш каби мақсадлар билан белгиланади. Чунончи, Н.Д.Арутюнованинг фикрича, “ҳар қандай нутқий ҳодиса маълум бир мақсад асосида намоён бўлади. Одамлар нимадир ҳақидаги ўз муҳокамаларини баён қилиш ниятида маслаҳат бериш, ваъда бериш ёки таклиф этиш каби тингловчини бирон-бир нарсага ишонтириш мақсадида сўзлайди”¹. Демак, коммуникантнинг муносабати ва ҳолати – мазкур грамматик шаклнинг ўзига хос маънода қўлланишига сабаб бўлган асосий прагматик омил. Грамматик сатҳда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигининг нисбатан устуворлиги ва алоқасининг зичлиги ўта мавҳум функционал-семантик имкониятга эга бўлган грамматик шаклларнинг

¹ Арутюнова Н. Предложение и его смысл. – М.:Наука, 1976. – С.47.

маъноларини воқелантиришда бошқа сатҳ бирликларига нисбатан прагматик “қувват”га кўпроқ “ташна”лиги билан белгиланади.

Бобнинг **“Грамматик маънонинг воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги”** деб номланган учинчи бўлимида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги, мувофиқлиги, воқеланиш хусусиятлари тавсифланган. Нутқда лисоний омиллар сўзловчи томонидан “мажбурий-ихтиёрийлик” тамойили асосида бошқарилади. Масалан, сўзловчи мулоқот интенцияси ва унинг намоёндаси бўлган нутқий интенция асосида тил воситаларидан бирини танлайди ҳамда унга мустаҳкамловчи воситаларни тиркайди – сўз ва грамматик шаклларнинг валентлик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фикрини муайянлаштириш ҳамда ўз мақсадига осонроқ ва қулайроқ эришиш учун фикрий танловни амалга оширади. Албатта, бир вақтнинг ўзида, онг сатҳига ўтиб кетган прагматик омилларни инобатга олиш ва уларни ҳам ўз ўрнида “ишлатиш” компетенциясига таянади. Натижада лисоний ва прагматик омилларнинг уйғунлигига эришилади. Грамматик шаклнинг нутқий қўлланишидаги асосий омил антропо-прагматик омил, воқеланиш ядро интенция билан боғлиқ. Масалан, *Ўзбекистон – Ватаним маним* (Абдулла Орипов) жумласида бош / қаратқич келишиги шаклидаги сўзни қўллашда сўзловчи интенциясининг даражаси асос бўлади. Поэтик образ яратиш ва уни бадиий талқин қилиш – шоирнинг ядровий интенцияси. Бу мақсадни рўёбга чиқаришда коммуникант қуйидаги ёрдамчи интенцияларга ҳам таянади: а) бадиий талқинда ўзликни намоён қилиш; б) такрордан қочиш; в) ўқувчи ҳис-туйғуларига кучли таъсир қилиш; г) оҳангдорликка эришиш. Бу омилларга услубий омил – бадиий услубга хос эркинлик, шу билан бирга, чекланганлик қоришиб, адибга грамматик шаклнинг диалектал-бадиий (нинг/им) вариантини танлашга имкон берган. Демак, ушбу ўринда интенциал ва лисоний (услубий) омил ҳамкорлиги намоён бўлган. Бироқ бу ҳамкорлик инвариант шаклнинг вариантинигина юзага чиқаришга хизмат қилган. Қаратқич келишиги турли факторлар таъсирида юзлаб маъноларга эга бўлади. Буни тилшунос А.Чориев ўз вақтида теран тадқиқ қилган эди¹.

Ушбу бобни хулосалаб айтиш мумкинки, морфологик шакллар умумий грамматик маъноларининг нутқий воқеланишидаги лисоний сатҳларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи анчайин ўрганилган бўлса-да, лекин нутқни система сифатида қараш нуқтаи назаридан етарли эмас. Нутқий системани хаотик жараён маҳсули сифатида ўрганиш, умумий грамматик маънонинг парчаланиши ўзи-ўзини ташкил этувчи ва ўз-ўзидан ривожлануви жараён экан, бу асос омил сифатида лисоний имкониятларни олишни тақозо этади. Грамматик шакллар умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланиши – оралик грамматик маъноларга бўлиниши ва хусусий грамматик маънолар сифатида юзага чиқиши учун, моддий системалар қонуниятларига кўра, лисоний омиллар етарли эмас. Лисондан ташқи омиллар уларга ҳамкорлик

¹Чориев А. Синтаксическо-семантические признаки родительного падежа в узбекском и английском языках. – Ташкент, Фан, 1990. – 190 с.

килувчи, уларни тўлдирувчи куч сифатида уюшади. Улар сирасида прагматик омиллар муҳим роль ўйнайди. Коммуникантнинг муносабати ва ҳолати грамматик шаклнинг ўзига хос маънода қўлланишига сабаб бўлган асосий прагматик омилдир. Грамматик сатҳда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигининг нисбатан устуворлиги ва алоқасининг зичлиги ўта мавҳум функционал-семантик имкониятга эга бўлган грамматик шаклларнинг маъноларини воқелантиришда бошқа сатҳ бирликларига нисбатан прагматик омилларга кўпроқ эҳтиёж сезади, мавҳумлик реаллашуви учун ташқи факторларнинг ролига зарурат кучаяди. Грамматик маъно ана шундай лисоний мавҳумликдир.

Грамматик шаклнинг нутқий қўлланишидаги асосий омил шахсий прагматик омилдир. Зеро, нутқий қўлланиш замиридаги асосий куч манбаи сўзловчи интенциясидир.

Диссертациянинг учинчи боби “**Луғавий шакллар маъносининг воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар ҳамкорлиги**” деб номланган. “**Луғавий шакллар маъносининг воқеланишига лисоний омилларнинг таъсири**” деб номланган биринчи бўлимида луғавий шакл ҳосил қилувчиларнинг ўрганилиши, таркиби ҳамда уларнинг воқеланишида лисоний омилларнинг ўрни, тилнинг ўзига хос хусусияти яққол намоён бўладиган морфологик шакл ва категориялар ўзбек тилининг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинди. Морфологик шаклларни субстанциал имкониятлари нуқтаи назаридан луғавий шакл ясовчи, синтактик шакл ясовчи ва луғавий-синтактик шакл ясовчиларга ажратиб ўрганиш оммалашди¹. Ўзбек тилида сон категорияси, унинг шакли, ҳар бир шаклнинг маъновий хусусияти ва қўлланиши ҳақида А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, С.Усмонов, Ш.Шоабдурахмонов, Ш.Раҳматуллаев, Ё.Тожиёв, Ғ.Зикриллаев, Ш.Шаҳобиддинова ишларини айтиб ўтиш жоиз.

[0] шаклга муносабат турлича, бу ҳол унинг маъновий хусусиятларини белгилашда кўзга яққол ташланади. Ҳатто туркий тилларда сон категорияси эмас, балки кўплик категорияси ҳақида гапириш маъқул деган фикрлар ҳам илгари сурилган². Бу ҳақда гап кетганда тилшунос А.Ҳожиёв фикрларини четлаб ўтиш мумкин эмас: “бирлик категорияси” бирикмаси қўлланган тақдирда ҳам, у ҳақда (унинг “моҳияти” ҳақида) бирор асосли гап айтишнинг ўзи мумкин эмас³. Олимнинг ўзбек тилшунослигида бажарилган тадқиқотларга танқидий муносабати асосида туркий тилларда мураккаб табиатли ҳодиса сифатида қаралган ноль шакл моҳияти сари яна бир қадам

¹Баҳриддинова Б. Фель луғавий шакллари тизими (Тур категорияси): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – Б.21.

²Гузев В., Насилов Д. К понятию грамматической категории // Тюркское языкознание. Материалы 3 всесоюзной тюркологической конференции. – Ташкент: Фан, 1985. – С.159.

³Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (саккизинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. №5. – Б.26 – 33.

ташланди. Худди шундай муносабатни лексик микросистемада Р.Сафарова¹, З.Юнусова², Л.Неъматовалар³ ҳам тасвирлаб беришган.

Буни ўз вақтида тилшунос Ҳ.Неъматов туркий тиллар грамматик шакллари тизимида ноль морфеманинг ўрни, маъно ва вазифалари шаклининг ўзида категория умумий моҳиятини кўпроқ акс эттиришида намоён бўлади, дея уқтирган эди⁴. Ёки [0] шаклини “ноаниқ миқдор шакли” деб аташ ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуд⁵. Грамматик шаклининг умумий грамматик маъноси ҳақида тилшунос Ш.Шаҳобиддинова [0] шаклда икки оралиқ грамматик маънони фарқлайди: 1) миқдорий аниқлик/ноаниқлик; 2) сифатий бўлинмаслик. Шу асосда тадқиқотчи Н.Мусулмонованинг категориал маъно таркиби ҳақидаги қарашларига таяниб, Ш.Шаҳобиддинова томонидан ажратилган “бўлинмас сифат ва аниқ/ноаниқ миқдор” умумий грамматик маънода: а) категориал маъно: “миқдор”; б) ёндош маъно: “аниқлик/ноаниқлик”, “сифатий бўлинувчанлик/бўлинмаслик” эканлиги ҳақидаги тўхтамга келиш мумкин. Ҳамроҳ маъно қуршовчи сўзлар, матн ҳамда бошқа прагматик омиллар асосида вужудга келади. Шунга кўра, тилшунос Ш.Шаҳобиддинова кўрсатган хусусий грамматик маъноларни матний маънолар дейишимиз мумкин⁶. Кўринадики, хусусий грамматик маъно бирорта воситасиз юзага чиқмайди. Кўплик сон шакли ўзбек тилшунослигида профессор А.Ғуломовнинг “Ўзбек тилида кўплик категорияси”⁷ мақоласида илк марта тадқиқ қилинган эди.

Бобнинг иккинчи бўлими “**Луғавий шакллар маъносининг воқеланишида прагматик омиллар**” деб номланиб, унда сон категорияси [0] шакли ва [-лар] шакли маъноларининг воқеланишида прагматик омилларнинг роли таҳлил қилинган. Прагматик омиллар нутқ жараёнида лисоний омилларнинг тегишли меъёрий қонуниятлар асосида танланишида, улар маъноларининг муайян интенциал эҳтиёж ва заруратга кўра модификацияланишида, кўп ҳолларда белгиловчи роль ўйнайди. Грамматик шакллар лексемалар каби фикрни моддийлаштириш вазифасини бажарар экан, уларнинг ҳар бирида интенцияга хизмат қилиш вазифаси мужассам бўлади.

Сон категорияси [0] шаклини воқелантириш ва бу жараённи амалга оширишда тегишли воситаларни ишга солиш сўзловчининг асосий интенцияси билан боғлиқ. Ажратиш ва таъкидлаш интенцияси от туркумидаги сўзнинг бирлик сонда бўлишини тақозо қилади ва «бирлик»

¹Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 48 б.

²Юнусова З. Ўзбек тилида луғавий микросистема ва унинг тараққиёти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

³Неъматова Л. Ўзбек тилида привативлик (нофонологик сатҳлар): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 18 б.

⁴Неъматов Ҳ. Феъл, унинг форма ва категориялари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. №2. – Б.49.

⁵Любимов К. О числовом значении нулевой формы тюркских существительных // Сов. тюркология. 1972. №5. – С.80 – 81.

⁶Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – Б.16 – 17.

⁷Аюб Ғуломовнинг илмий мероси (3-китоб). Ўзбек тилида кўплик категорияси. Морфемикага оид мақолалар. – Тошкент: Университет, 2007. – Б.5.

маъносини юзага чиқаради. *Мазкур рисола орқали сизлар билан шу хусусда баҳс юритишни ният қилганмиз* (Тоҳир Малик) гапида ушбу рисолани бошқа рисоладан ажратиш, *Бир ривоятни турли хилда кўп эшитамиз: ота донишманддан «Боланинг тарбиясини қачон бошлай?» деб сўрабди* (Тоҳир Малик) гапида боланинг битта эканлигини таъкидлаш (лекин ажратиш эмас), [-лар] кўрсаткичининг қўлланишида прагматик омиллар ноль шаклга нисбатан анча фаоллиги билан характерланади. Чунки мазкур шаклнинг ўз категориал имкониятларидан четга чиқиш ҳолатлари кўпроқ, бу сўзловчининг интенциал хусусияти, бадиият талаблари, кайфият, рухий ҳолат кабилар билан белгиланади. Сўзловчи ўз фикрини кучайтириш, уни эмоционал-экспрессив омиллар билан бойитиш, ўз муаллифлик ҳурматини бажо келтириш мақсадида кўплик грамматик шаклини қўллайди: – *Қулоқ сол, момоси, қулоқ сол. Қаердандир одам овози келяпти...Сайрак адирда ёнбошлаб ётмиш бобомиз, момомизга шундай дедилар. Бобомиз оғизларини анграйганнамо очдилар. Ўнг қулоқларини еллар елмиш тарафга тутдилар. Еллар, овозларни ёрқин олиб келмадилар. Бобомиз ўнг кафтларини қулоқлари сиртига тутдилар. Елпана қилдилар. Нафас олмадилар. Бор вужудларини бериб қулоқ солдилар* (Тоғай Мурод). Ажратилган сўзларнинг луғавий маъносида кўплик маъноси у ёки бу даражада мавжуд, қўшилаётган грамматик шакл кўплик маъносига нисбатан кучайтириш, ҳурмат маъноларини ифодалайди. Бунда интенциал омил вазият (услуб) ва бошқа қатор ментал омиллар билан уйғунлашиб кетади.

Бобнинг “**Луғавий шакллар маъносининг воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар мувофиқлиги**” деб номланган учинчи бўлимида мувофиқлик ва ҳамкорлик омили сон категорияси шакллари тизимида ўзига хос тарзда намоён бўлиши баён этилган. Грамматик шакллар оламнинг лисоний тасвирини шакллантиришда ўзининг субстанциал моҳиятидаги умумий ва миллий табиати билан фаол иштирок этади. Ўзбек тилшунослигида сон категорияси грамматик маъносининг воқеланишида матннинг роли масаласи бўйича маълум бир фикрлар билдирилган¹. Грамматик шакллар умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги масаласи бўйича бундан кенгрок доирадаги махсус фикрлар билдирилмаган.

Грамматик шаклнинг умумий маъноси воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар яхлит вужуднинг аъзолари каби уйғун ҳолда ҳамкорлик қилади. Маълумки, фикрни моддийлаштириш учун сўз грамматик жиҳатдан шакллантирилар экан, сўзловчи ўз интенциал омилини нутқий вазият ва шароитга мувофиқ ҳолда лисоний воситалар билан моддийлаштиради. Бирлик сон шаклининг яхлитликдаги “кўплик” ва “умуман” маъноларининг воқеланиши ҳамда тингловчи учун уларнинг муайянлашишида грамматик шакл ва унга ҳамкорлик қилаётган бошқа лисоний омилларга нолисоний омил сифатида фикрнинг жанрий хусусиятлари ҳам кўмаклашади. Масалан,

¹Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-микдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – Б.18.

мақолларда бунинг ёрқин далилини кўрамиз. Халқ мақолларида инсонларни яхшиликка ундаш интенцияси унинг яратувчиларида ҳам, ундан фойдаланувчиларда ҳам мужассам ва унинг қўлланиши мулоқот йўналишининг маълум бир хусусиятини очиб беришга хизмат қилади. Халқ мақоллари иккинчи шахсга қаратилган бўлса-да, ундаги фикр умумлашмалиги ва умумга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Бунинг ўзиёқ ундаги ҳар бир фикр объектида, қайси грамматик шаклда бўлишидан қатъи назар, “кўплик” маъноси ифодаланишини кўрсатади: 1. *Айби борнинг тиззаси қалтирайди*. 2. *Олдинги савдо – савдо, кейинги савдо – завго*. 3. *От – минганники, тўн – кийганники*. Мақоллардаги ҳар бир ажратилган сўз бирлик сонда қўлланган, лекин уларнинг “кўплик” маъносини ифодалаётганлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Бунинг сабаби мақолнинг табиатидан келиб чиқади. Шунга кўра, сўзловчи унинг бу хусусиятини эътиборга олиб қўллайди. Тингловчи ҳам мақолни “қабул қилар экан”, унинг умумий мазмунлик табиатида кўпчиликка қаратилганлик мавжудлигини ҳис этади ва ўзининг ҳам кўпчиликнинг бир қисмилигини назарда тутаяди. Демак, бунда шахс омили жанрий омил билан омихталаниб, грамматик шаклнинг “кўплик” маъносида эканлиги лисоний компетенция асосида онг остида идрок этилади.

Умуман, сўзловчи ва тингловчининг ўзаро бевосита ёки билвосита мулоқотидан келиб чиққан ҳолда грамматик шаклларнинг, хусусан, сон категорияси ноль шаклининг у ёки бу маъноси реаллашиши ҳамда англанишида лисоний ва нолисоний омилларнинг ҳамкорлиги ўта муҳим.

Кўплик сон шаклининг соф “кўплик”дан бошқа маъноларини ифодалашда лисоний ва нолисоний омилларнинг роли ошиб боради. Аниқроғи, ушбу грамматик маънога категориал нуқтаи назардан яқин маъноларда ушбу ҳамкорлик маълум бир даражада бўлса, категориал маънодан четлашувчи ҳамроҳ маъноларда кучайиб боради. Демак, грамматик шаклларнинг маъновий моҳиятини воқелантиришда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги категориал маънодан нокатегориал маънога ўсиб бориши ҳақидаги хулосага келиш мумкин. Бу грамматик шаклнинг оралик маъно турларини қуйидагича даражалаймиз: [кўплик → жамлик → турли хиллик → боғлиқлик → тахмин → ўхшашлик → кучайтириш]. Бунда [-лар] шакли маънолари ўзларида “кўплик” субстанциал маъносининг камайиб боришига кўра даражаланади. Даражаланиш қаторининг ортиб бориши, яъни “кўплик” маъносининг камайиб бориши билан тегишли маънонинг қўлланишида лисоний омиллар мавқеи камайиб, нолисоний омиллар роли ошиб боради.

Боб хулосаси сифатида айтиш мумкинки, луғавий шакл ҳосил қилувчи морфологик воситалар луғавий маънога таъсирнинг ошиб боришини кўрсатадиган “синтактик шакл ясовчи-луғавий шакл ясовчи-сўз ясовчи” даражаланиш қаторида ҳам, синтактик имкониятнинг ортиб боришини кўрсатадиган “сўз ясовчи-луғавий шакл ясовчи-синтактик шакл ясовчи” даражаланиш қаторида ҳам ўрта бўғин мавқеида намоён бўлади. Системавий қонуниятларга кўра, ўрта бўғин чекка бўғинларга нисбатан мавҳумлиги,

ноаниқлиги ва, шунинг учун имкониятларининг кенглиги билан характерланади.

Луғавий шакл ҳосил қилувчи морфологик воситаларнинг грамматик маъносида луғавийлик унсури юқори ва ҳал қилувчи, синтактиклик эса паст ва иккиламчи ўринда туради. Шунинг учун айтиш мумкинки, луғавий шакл ҳосил қилувчилар умумий грамматик маъносининг воқеланишида иштирок этувчи лисоний омиллар сирасида лексик омил устуворлик қилади. Синтактик ва морфологик омиллар таъсири бирмунча пасаяди. Морфологик омилнинг қуйи поғонани эгаллашининг боиси шундаки, бир сатҳ бирлиги ўз сатҳ бирлигига нисбатан бошқа сатҳ бирлиги таъсирига кўпроқ эҳтиёж сезади. Бу тилни яхлит система сифатида ўрганиш натижасида оммалаштирилаётган фараздир.

Прагматик омиллар луғавий шакллар умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний омилларга ҳамкорлик қилади. Лисоний омилларнинг лексик турида бошқаларига нисбатан таъсир кўпроқ бўлади. Шунингдек, грамматик маънодаги луғавий қатлам синтактик қатламга нисбатан кўпроқ таъсирга учрайди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Синтактик шакллар маъносининг воқеланишида лисоний ва прагматик омиллар”** деб номланган. Бобнинг биринчи бўлимида синтактик шакл ҳосил қилувчи воситаларнинг умумий грамматик маъносига таъсир қилувчи лисоний омиллар таҳлил қилинган. Синтактик шакл ясовчи атамаси ўзбек тилшунослиги фанига, аниқроғи, дастлаб она тили таълимига луғавий шакл ясовчи атамаси билан бирга кириб келди ва анъанавий шакл ясовчи ҳамда сўз ўзгартирувчи терминлари ўрнида (аммо уларнинг айнан муқобили сифатида эмас) оммалашди¹. Синтактик шакл ҳосил қилувчи категориялар орасида кесимлик алоҳида мавқега эга. Туркийшунослиқда кесимлик категорияси алоҳида ва махсус грамматик категория сифатида дастлаб тилшунос Н.К.Дмитриев томонидан ажратилганлиги маълум. “Қўшимчадан иборат морфологик категориялар мавжуд, аммо кесимлик категорияси тўлиқ синтактик вазифа бажаради. Туркий тилнинг ўзига хос хусусияти шунда”². Категориянинг ўзбек тили грамматик категориялари таркибидаги ўрни масаласи тадқиқотчилар Ш.Шаҳобиддинова, Л.Раупова, Н.Мусулманова томонидан ҳам махсус ўрганилди³ ва Б.Менглиев, М.Қурбонова, М.Абузалова, Н.Йўлдошева, Б.Ёров ишларида маълум бир фикрлар билдирилди. Барча ишларда кесимлик категорияси ва унинг кўрсаткичлари маъноларининг мураккаблиги эътироф этилади. Шахс, сон, замон, майл-модаллик, тасдиқ-инкор маънолари мажмуи категория моҳиятининг семантик томонини; кесимни шакллантириш ва уни

¹Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Қурбонова М. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технология, 2010. – Б.158.

²Дмитриев Н. К истории аффиксов сказуемости//Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. Морфология. –М.: Наука, 1956. – С.5–15.

³Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. 2-жузв. – Андижон, 1994. – 34 б; Раупова Л. Ўзбек тилида номустақил кесим масаласи ва [WPm → WPm] қурилишли гаплар: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Мусулманова Н. Грамматик шаклларда категориял, ёндош ва ҳамроҳ маъно. – Тошкент, Фан, 2012.

эга билан боғлаш вазифаси синтактик томонни ташкил этиши, шу билан бирга, кесимлик предикативликдан фарқланиши таъкидланади.

Кесимлик категорияси таркиби мураккаблиги сабабли ҳар бир ички категорияга хос грамматик шаклнинг умумий грамматик маъноси оралик кўринишларини фарқлаш ва воқелантиришда лисоний омилларнинг роли турлича бўлади. Масалан, шахс-сон ички категорияси кесимнинг эга билан муносабатини муайянлаштирар ва таъминлар экан, унинг муайян маъноларини воқелантиришда гапнинг эгаси аҳамиятли. Бироқ замон ички категорияси кесимдан англашилган ахборотнинг пайтини ифодалаганлиги сабабли унинг маъновий хусусиятларини муайянлаштирувчи сифатида ҳол вазифасида келган пайт маъноли сўзшакллар муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, грамматик маънонинг таркиблилиги, унинг категориал, ёндош ва ҳамроҳ маънолардан иборатлиги, бу таркибий қисм шаклларининг нутқий воқеланишида ҳиссаси турлича эканлиги уларнинг ҳам тавсифини беришда умумлисоний, қолаверса, борлиқ мавжудлигининг ва тушунтирилишига асос бўлган даражаланиш қонуниятига таяниш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бобнинг “Синтактик шакллар маъносининг воқеланишида прагматик омиллар” деб номланган иккинчи бўлимида шахс-сон, замон ва майл категориялари умумий маъносининг воқеланишида прагматик омилларнинг ўрни ўрганилган. Гап кесими ахборот маркази, гапнинг асосий конструктив бўлаги бўлганлиги сабабли кесимлик категорияси маъноларининг нутқий воқеланишида прагматик омиллар флукуаторлик вазифасини бажариш билан анча фаоллик кўрсатади. “Ҳар қандай гап мазмунида уч аспект иштирок этади: 1) пропозитив (номинатив) аспект; 2) модал (объектив модаллик) аспекти; 3) коммуникатив (тема-рематик) аспектлар. Булардан тил бирлиги сифатидаги гап семантикасида фақат пропозиция ва объектив модаллик мавжуд бўлса, нутқ бирлиги сифатида гап (жумла) семантикасида эса улардан ташқари, албатта, коммуникатив аспект ва баъзан субъектив модаллик ҳам иштирок этади”¹. Гап мазмунига прагматик муносабат унда коммуникатив муносабат ва субъектив модаллик “баъзан” эмас, кўп ҳолларда белгиловчи мақомида бўлишини кўрсатади.

Сўзловчининг интенцияси ва ахборотнинг хусусиятига муносабат билан боғлиқ равишда шахс-сон категорияси маъноларининг воқеланишида прагматик омиллар устувор аҳамият касб этади. Маълумки, шахс-сон категорияси, айтилганидек, гап мазмунидан англашилган хабарнинг уч шахсдан бири эканлигини кўрсатиш учун хизмат қилади. Гапда баъзан хабарнинг қайси шахсдан бири ҳақида кетаёганлиги номаълум бўлади. Бунга икки ҳолатдан бири сабабчи: а) сўзловчи учун ахборотда эга ҳақидаги хабар қисмининг предикатдан англашилган хабар қисмига нисбатан аҳамиятсизлиги; б) сўзловчи учун эганинг аҳамиятини кучайтириш учун атай юзага чиқарилмаслиги. Сўзловчи учун эганинг номаълумлиги шахс-сон категорияси шаклининг “шахснинг номаълумлиги” маъноси юзага чиқишига

¹Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.31.

сабаб бўлади. Демак, сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам ахборот мазмунида эганинг юзага чиқиши шарт эмас. Бунда, албатта, эга зарур ва мутлақ номаълум эмас, балки аҳамиятсиз бўлганлиги учун аниқлик шарт бўлмаган ҳолатда номаълум бўлиб қолаверади: 1. *Шунинг учун бу ажойиб дарахтни оловли моҳур ҳам дейишади* (Пиримқул Қодиров). 2. *Чанд бибининг бошига тушаётган оғир савдода ҳам Бека бегимнинг қўли бор дейишади* (Пиримқул Қодиров). Сўзловчи ифода этаётган фикрнинг эгаси ўзидан бошқа шахс эканлигини уқтириш мақсадида кесимлик шаклига “кўплик” маъносини беради, биргалик нисбат шаклини ундан олдин тиркайди.

Замон ва майл грамматик маънолари бир-бири билан шу даражада зич боғланганки, бир қарашда уларни бир-биридан ажратиш, бирини иккинчисидан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Формал ва субстанциал тадқиқотлар натижаларини умумлаштирар экан, Н.Мусулманова замон ва майл категориялари муносабатини категориаллик/нокатегориаллик тамойили нуқтаи назаридан баҳолайди.

Замон категорияси маъносини воқелантиришда сўзловчининг пропозитив структура замони ҳақидаги маълумоти муҳим. Бунда ҳам ахборот ва билим замон умумий грамматик маъноси воқеланиши учун белгиловчи роль ўйнайди. Замон ва майл категориялари умумий грамматика маъносининг воқеланишида, аввало, сўзловчининг воқелик билан билвосита ёки бевосита муносабатдалиги, ҳаракат/ҳолатнинг вақт чизиғининг қайси кесмасида содир бўлаётганлигини билиш катта аҳамиятга эга. Замон категориясининг, хусусан, ички (ўтган, ҳозирги, келаси) кўринишларининг турларини ажратиш ва номлаш ҳам ана шу билан боғлиқ. Қолаверса, прагматик вистлар замон шакллариининг кам ёки кўплиги, умуман олганда, уларнинг миқдори миллий ментал омиллар билан, борлиқнинг миллий лисоний тасвири билан боғлиқлигини кўп айтишган. Демак, замон категорияси умумий грамматик маъносининг бифуркацияланиши умуммиллий, социал, шахсий ва миллий ментал омиллар билан боғлиқ ҳолда юз беради. Замон маъносининг нутқий воқеланишида шахс омили флукуаторлик вазифасини сўзловчининг воқеликдан хабардорлик даражаси асосида бажаради. Шахс воқеа-ҳодисанинг юз берганлигига бевосита гувоҳ бўлган ҳолатда ўтган замон шакли “бевосита кўрганлик” маъносини ёндош маъно сифатида воқелантиради: *Ботир фирқа момони таниди. У Мирзахўжаеванинг кекса онаси Зайнаб момо бўлди.*

Зайнаб момо ҳассасини дўқ-дўқ уриб ичкарилади. Остонада ҳассасини деворга суяб қўйди. Бўсагада тик турди. Теваракка разм солди (Тоғай Мурод). Сўзловчи «бевосита кўрган» воқелик яқин ўтган замонда рўй берганида ушбу шакл кесимни шакллантиради.

Прагматик омилларнинг ўзи ҳам ранг-баранг, уларнинг ҳар бирини прагматик мазмун ва сўзловчи интенцияси ҳамда нутқий натижа нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилиш амалий тилшунослик, тилдан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Бобнинг хулосаси бўйича айтиш мумкинки, синтактик шакл ҳосил қилувчи морфологик воситалар синтактик вазифага таъсирнинг ошиб боришини кўрсатадиган “сўз ясовчи-луғавий шакл ясовчи-синтактик шакл ясовчи” даражаланиш қаторида ҳам, луғавий маънога таъсирнинг ортиб боришини кўрсатадиган “синтактик шакл ясовчи-луғавий шакл ясовчи-сўз ясовчи” даражаланиш қаторида ҳам чекка бўғин мавқеида намоён бўлади. Системавий қонуниятларга кўра, чекка бўғин ўрта бўғинларга нисбатан муайянлиги, аниқлиги ва, шунинг учун имкониятларининг торлиги билан характерланади.

Синтактик шакл ҳосил қилувчи морфологик воситаларнинг грамматик маъносида синтактиклик унсури юқори ва ҳал қилувчи, луғавийлик эса паст ва иккиламчи ўринда туради. Шунинг учун айтиш мумкинки, синтактик шакл ҳосил қилувчилар умумий грамматик маъносининг воқеланишида иштирок этувчи лисоний омиллар сирасида синтактик омил устуворлик қилади. Лексик ва синтактик омиллар таъсири бирмунча пасаяди. Синтактик омилнинг қуйи поғонани эгаллашининг боиси шундаки, синтактик сатҳ бирлиги бошқа сатҳ бирлиги таъсирига кўпроқ эҳтиёж сезади.

Прагматик омиллар синтактик шакллар умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида ҳам лисоний омилларга ҳамкорлик қилади. Лисоний омиллардан синтактик турининг таъсири бошқаларига нисбатан кўпроқ бўлади. Шунингдек, грамматик маънодаги синтактик қатлам (валентлик) лексик қатламга нисбатан кўпроқ таъсирга учрайди.

ХУЛОСА

1. Лингвистик тадқиқ методологияси: 1) эмпирик – номиналистик – материалистик; 2) эмпирик – номиналистик – идеалистик; 3) назарий – диалектик – идеалистик; 4) назарий – диалектик – материалистик; 5) эмпирик – синергетик – материалистик; 6) эмпирик – синергетик – идеалистик кўринишлардан бирида бўлиши мумкин.

2. Умумий (мавҳум) система – “онг маҳсули”. Бу борликда умумий нарса ёки ҳодиса йўқлиги, борлик ҳодисалари ҳар доим ҳам яққалик ва қайтарилмаслик, такрорланмаслик белгисига эгаллиги билан ҳам изоҳланади. Умумий система инсоний когниция маҳсули, тафаккур воситасида тикланади.

3. Умумий ва хусусий система турли табиатли яхлитликлар асосида бўлганлиги учун уларнинг тадқиқ методикаси ҳам кескин фарқланади. Масалан, умумий система “хусусийлик → умумийлик” методологиясига таяниш асосида тадқиқ қилинса, хусусий система “умумийлик → хусусийлик” методологияси воситасида ўрганилади.

4. Системанинг концептуал моҳиятини тавсифлашда қуйидагилар асос бўлади: 1) “система” ↔ “билим”; 2) “система” ↔ “яхлитлик”; 3) “система” ↔ “унсур” ↔ “муносабат”; 4) “система” ↔ “системавий” ↔ “системалаштириш” ↔ “систематика” ↔ системалогия.

5. Муайян система ўз таркибининг гетерогенлиги билан характерланади. Прагматлингвистиканинг ўрганиш объекти бўлган мулоқот ана шундай гетероген система ҳисобланади.

6. Ўзбек тилшунослигида лисоний зиддиятларни тадқиқ қилишдан уларнинг нутқ жараёнида боғланувчи, мавҳум лисоний зиддиятлар нафақат сўнувчи, балки улар бир-бири билан бирлашиб, ҳамкорлик қилиб, яхлитлик касб этадиган жиҳатларга ўтиш кучаймоқда. Бу ҳодисаларни диалектик миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонунига таянган ҳолда жонли система ва унинг функционаллашувини ўрганувчи синергетик методология асосида иш кўриш зарурати кучайганлиги билан боғлиқ.

7. Ҳар қандай хусусийликнинг вазият ва шароит билан мослашуви учун ўз умумийлигидан маълум даражада узилиши, бошқа хусусийликлар билан мослашиш натижасида ўзи билан умумийлиги орасида муайян тўсик вужудга келгандек тасаввур пайдо бўлади. Бу тартибнинг инқирози, хаоснинг юз бериши сифатида баҳоланиши мумкин. Бироқ ҳар қандай жонли системанинг ташқи муҳит ҳамда “системадошлари” билан муносабати шундай кутилмаган оқибатларга олиб келиши табиий. Мазкур ҳолат барча фанлар тадқиқ манбаларининг реал воқеланиши жараёнида намоён бўлмоқда. Бу эса тадқиқ манбаидаги ана шундай тартиб ва “тартибсизлик” муносабатини ўрганадиган синергетик методологияга таяниш лозимлигини кўрсатади.

8. Нутқ инсоний онг асосида нутқий қобилиятнинг ишга солиниши, унинг натижаси таъсир қамровининг кенгайиб кетиши билан боғлиқ. У лисоннинг жонли воқеланиши, реал намоён бўлиши сифатида лисоний қонуниятлар, лисоний бирлик ва структурага хос барқарор белгилардан фойдаланувчи онгли фаолияти асосида ҳамда нутқнинг йўналиши, оқими, сифати ҳамда миқдорида бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи нолисоний омиллар билан қоришган ҳолда моддийлашуви сифатида баҳоланади.

9. Нутқий система ҳам қатъий тартиб ва “тартибсизлик”ни ўзида бирлаштиради. Тартиб “тартибсизлик”, “тартибсизлик” муайян тартиб асосида кечади. Тартибсизлик воқеликни четдан вужудга келтирувчи кучларнинг режали фаолияти асосида эмас, балки иштирокчиларнинг маълум маънода стихияли фаолияти таъсирида ўзини ташкил қилади.

10. Ҳар қандай нутқий жараён муайян нутқий интенция (мақсад) асосида рўй беради. Кўпинча ёзма нутқ ўзида тартиб омилнинг кучайганлиги ва хаоснинг сусайганлиги билан боғлиқ. Ёзма нутқдаги тартибнинг бош омили адресантнинг (муаллиф) нутқий интенцияси, у тартиблиликнинг кейинги босқич ва шакллари ҳам юзага чиқаради.

11. Оғзаки нутқий система асосан диалогик кўринишда мавжуд бўлади. Бу ҳолат бошқа омиллар билан бирга унинг турли тартибли ва хаотик хусусиятини намоён этади. Оғзаки нутқ режалаштирилган ёки тасодифий шаклларда бўлади. Шунинг учун бунда ҳам шаклланган ва шаклланмаган интенция фарқланади. Нутқий актнинг йўналишлилигини таъминловчи интенциянинг бу хусусияти нутқнинг тартиблилик асосида юз беришини

таъминлайди. Жонли нутқдаги бош тартиб асосан адресант ва адресат ролининг қатъий навбат билан алмашилиб туришида намоён бўлади.

12. Савол-жавоб алмашинуви – жонли нутқдаги тартибнинг асосий хусусият. У нутқ жараёнидаги бевосита иштирокчиларнинг бирдан ортиқлиги билан белгиланади. Жонли сўзлашувда адресат ва адресантнинг бир-бирига бўлган муносабати нутқ оқимининг тартибини келтириб чиқаради. Муносабат эса кайфият, руҳият, шахсий ахлоқий сифатлар воқеланишидир. Шу асосда иштирокчиларнинг савияси ва мулоқот маданияти шахсий муносабатни, шахсий муносабат эса нутқ тартибини келтириб чиқаради дейиш мумкин.

13. Хаос ҳар қандай жонли динамик системалар каби нутқий системага ҳам хос. Ўзи ўзини ташкил этувчи бошқа системалар сингари у ҳам хаотик белгилари устуворлиги билан характерланади. Ўзини ўзи ташкил этувчи бошқа системаларда бўлгани каби, нутқнинг хаотиклиги инсоний фикрлаш жараёнининг тартибли ва тартибсиз кечими нисбатининг ўзига хослиги билан белгиланади.

14. Нутқ фикр маҳсули, унда кечаётган нарсалар қоғозга тушади ёки тингловчига тўғридан-тўғри узатилади. Фикрдаги хаос нутқда ҳам ўзига хос бўлади. Адресантнинг гапига адресат мавзуга бутунлай алоқасиз жавоб билан муносабатда бўлиши ҳам мумкин. Бу оғзаки нутқнинг хаотиклигини кўрсатади. Диалогик нутқда савол-жавобларнинг кетма-кетлик занжирида ўзини ўзи ташкил этувчилик хоссасининг ёрқин намуналарини кўриш мумкин.

15. Сўзлашув (диалогик) нутқида, у ёзма ёки оғзаки бўлишидан қатъи назар, жавоб нутқи кўпинча нутқ оқимини таъминлайди ва нутқий системанинг ўзи-ўзини ташкил этишини келтириб чиқаради. Нутқий оқимда тартиб ва хаос муайян қонуниятлар асосида бўлади, тартиб диалектик тамойиллар ва тартибнинг зоҳирий намоён бўлиши сифатида, хаос эса ўзи-ўзини ташкил этувчи системаларга қўйиладиган мезонлар асосида таҳлил қилинади.

16. Мулоқот мураккаб таркибли реал ва жонли система сифатида юзага чиқади. У жонли системаларнинг онгдаги инъикоси, умумлашган портрети, олам лисоний картинасининг бир парчаси. Ҳар қандай реал мулоқот системасида қуйидаги унсурлар мавжуд бўлади: а) макон; б) замон; в) вазият; г) лисон; д) шахс. Бу унсурлар бир тизимга мансубликдан бошқа умумий белгилардан мутлақо холилиги билан аҳамиятли. Умумийликдан хоилик реал системаларнинг яшаш шартидир.

17. Мулоқот тизими кишиларнинг мулоқоти жараёнида жонли ҳаёт кечириб, мулоқот тугаши билан «мулоқот архиви»га тушади. Тадқиқотчи ана шу «архив» материалларини илмий текшириш орқали муайян мулоқот тизими ҳақида маълум бир назарий хулоса чиқаради. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси мулоқот системасида ҳам ўз аксини топади. Мулоқотнинг умумий қонуниятлари ва хусусий шакллари мавжуд. Маълум бир макон ва замондаги мулоқот оний система сифатида ўзида барча жонли тизим хоссаларини акс эттиради. Бу тизим ўзида хусусий мулоқот

системаларининг умумий қонуниятлари синтезидан иборат мавҳум, идеал системадир.

18. Шахс унсури мулоқот системасида вазият унсури билан бирга асосий ўринни эгаллайди. Зеро, бу икки унсур ушбу тизимда доминантлик қилади. Аммо шахс вазиятдан фойдаланади, лекин вазият шахсининг мулоқот интенциясига (мақсадига) таъсир қилмаса-да, интенцияга эришиш усулини ўзига мослаштиришини талаб этади. Акс ҳолда, у мулоқот сифати ва натижасига, демак, адресантнинг коммуникатив интенцияси тўлақонлигига путур етказилади. Шахс мулоқотининг боғловчи воситаси, унсури бўлган лисоний воситаларни танлаш ва ўринли ишлата билиш учун қуйидаги белгиларга эга бўлиши зарур: а) лисоний қобилият; б) когнитив қобилият; в) мулоқот қобилияти.

19. Грамматик маънонинг нутқий воқеланишини соф лисоний омиллар билан чеклаб қўйиш мумкин эмас. Грамматик маъно нутқий системада лисоний табиатли унсурларга тегишли ҳодиса сифатида қаралиб, унинг воқеланиш хусусиятлари лисоний ва нолисоний (шахсий, прагматик) унсурлар билан узвий алоқадорликда ўрганилади.

20. Грамматик шакл вариантларининг танланиши, умумий грамматик маъносининг нутқий хосланиши кўплаб ички (лисоний) ва ташқи (нолисоний) омиллар билан боғлиқ. Бу лисоний омиллар тил бирликларининг бир-бирига кўмаклашуви, бири иккинчисини, иккинчиси биринчисини мустаҳкамлаши тарзида, шунингдек, акцентуатив ҳодисалар ролининг ортиши, услуб каби омилларнинг ўрни, шу билан бирга, сўз лексик маъноларининг айрича хусусиятларини юзага чиқариши кабиларда намоён бўлади. Бу омилларга кўп ўринларда флукуаторлик вазифасини бажарган ҳолда нолисоний омиллар – сўзловчи интенцияси, макон ва замон, миллий-ментал омиллар, социал мавқе кабилар ҳамкорлик қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ЭРНАЗАРОВА МАНЗУРА САПАРБОВЕВНА

**ГРАММАТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ В ЦЕЛОСТНОСТИ ЯЗЫКОВЫХ
И ПРАГМАТИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Самарканд – 2018

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.DSc/Fil11.

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трёх (узбекский, русский, английский) языках на веб-странице Научного совета www.samdu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziyo.net.

Научный консультант:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Элтазаров Жулибой Данабоевич
доктор филологических наук

Худойбергана Дурдона Сиддиковна
доктор филологических наук

Раупова Лайло Рахимовна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.02.03 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете “___” _____ 2018 года в ___ часов (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет, Главный учебный корпус, 105-ый кабинет).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирован за номером ___). Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский парк, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2018 года.
(Протокол реестра рассылки от “___” _____ 2018 года за номером ___).

Мухиддинов М.К.

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.филол.н., профессор

Пардаев А.Б.

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.филол.н

Салохи Д.И.

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике XX века изучение дихотомии языка и речи, грамматических возможностей языка в языковой системе ступил на новый этап развития. Актуальными являются изучение на основе современных научно-теоретических взглядов и методов языка – сложного строения единства языка и речи, реализации языка в речи согласно нормативным правилам, служения языка речи. В настоящее время исследование грамматического значения в единстве языковых и прагматических факторов считается важнейшим фактором обеспечения развития стремительно развивающихся отраслей языкознания – прагмалингвистики, лингвокультурологии, этнолингвистики и психоллингвистики.

В мировом языкознании получены значительные достижения в изучении языка в качестве системы. Благодаря проведению основных исследований в центре современных научных исследований на основе системно-структурного подхода, определение грамматических значений в языковых единицах на основе современных методологических принципов в целостности языковых и прагматических факторов и формирование конкретных теоретических заключений, свойственных лингвистической природе составляющих их единиц, определяют актуальность темы. Следовательно, это определяет актуальность исследования целостности языковых и прагматических факторов в грамматическом значении с использованием последних достижений лингвистики, новых методов исследования и донесения их до мирового научного сообщества.

В годы независимости системное изучение узбекского языка поднялось на новый уровень развития. В результате, завершения формальных исследований на первом этапе системного подхода обусловили новый этап развития языкознания, то есть изучение узбекского языка согласно субстанциальным основам. В субстанциальном подходе в основном обращено внимание на исследование языка в результате дифференциации языка и речи. Изучение узбекского языка как целостной системы адаптирует языкознание новому этапу развития. Как было отмечено, «...наша очередная задача – создание эффективных механизмов, направленных на внедрение результатов исследования в практике, стабильное развитие науки, научно-инновационной деятельности»¹. В частности, узбекское языкознание на пороге XXI века возложила на себя новый социальный заказ. Время требует серьёзного подхода к изучению проблемы обеспечения эффективности практического использования возможностей родного языка. А это ставит на повестку дня необходимость научного изучения реализации языковых возможностей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Законе Республики Узбекистан «О

¹Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 168-174.

государственном языке» (21 декабря 1995 года), требований постановления Кабинета Министров по исполнению задач, обозначенных в данном законе (№311 от 10 сентября 1996 года), указа Президента Республики Узбекистан №ПП-4797 “Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои” от 13 мая 2016 года, УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2789 “О реализации мер по совершенствованию организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности” от 17 февраля 2017 года, постановления Кабинета Министров №571 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета” от 24 июля 2018 года и других нормативно-правовых актах, касающихся данной отрасли.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии. Диссертационное исследование выполнено согласно приоритетному направлению развитию науки и технологии I. “Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-нравственное развитие информатизированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.¹ Научные изыскания, направленные на исследование языковых и прагматических особенностей грамматического значения проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Cambridge University (Англия), University of Zurich (Швейцария); Seoul National University (Корея); Boston University, University of New York, University of Pennsylvania, University of California (США); Universitat de Valencia (Испания); University of Tokyo Sophia University (Япония); Australian National University (Австралия); Oxford University Language Centre (Англия); Московский государственный университет, Институт лингвистических исследований, Камчатский государственный университет (РФ); Витебский государственный университет (Беларусь); Харьковский государственный педагогический университет (Украина); Baki Dövlət universiteti (Азербайджан); Казахский национальный университет (Казахстан); а также, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз (Узбекистан).

В мировой лингвистике в результате изучения системности речи, содействия языковых ярусов с природой системного строения и прагматических факторов в процессе формирования и выражения мысли, получены следующие научные результаты: обоснованы возникновение

¹ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников: www.uzh.ch/en.htm, www.zora.uzh.ch, cleo@snu.ac.kr, www.bu.edu, www.uv.es, www.u-tokyo.ac.jp/en, www.ras.ru, www.kamgu.ru, www.bu.edu, adwww.ecu.edu.au, unice.fr/en, www.sophia.ac.jp/eng, www.u-tokyo.ac.jp/en, bsu.edu.az, www.msu.ru, www.vsu.bu, www.education.ua/universities, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz.

прагматики в содержании лингвистических идей, история и развитие изучения прагматики (Cambridge University, Англия; University of Zurich, Швейцария; University of Pennsylvania, University of California, США); установлены речевая реализация языковых единиц, непредвиденный поворот речевого потока, нелинейное течение (Seoul National University, Корея; Sophia University, Япония); идеи прагматики раскрыты на основе ориентированно-программных и информационно-поисковых систем (Boston University, New York University, США); установлена связь языка и речи, грамматики и прагматики (Universitat de Valencia, Испания); освещены общность грамматического значения, его речевая реализация, функции в тексте (University of Tokyo, Япония, Australian National University, Австралия, Oxford University Language Centre (Англия); обоснованы практическое использование личностью языковых возможностей, личные качества говорящего и слушающего, цель высказывания, их виды, формы, стратегия и тактика речи (Московский государственный университет, Институт лингвистических исследований, Камчатский государственный университет, РФ); раскрыты функционально-семантические и коммуникативно-прагматические стороны языка, теория грамматических категорий (Камчатский государственный университет, РФ); обосновано, что прагматика является отраслью лингвистики, изучающей вопросы языка, связанные с речевым процессом, речевой ситуацией, состоянием говорящего и слушающего, речевым актом, коммуникативной целью, свойственной участникам речи (Витебский государственный университет, Беларусь); обосновано, что процесс изучения грамматических единиц, грамматических средств реализуется на основе грамматической оценки, в прагматическом аспекте (Харьковский национальный педагогический университет, Украина); указаны общие и частные особенности грамматического значения (Baki Dövlət universiteti, Азербайджан; Казахский национальный университет, Казахстан); изучены субстанциально-прагматические особенности грамматического значения (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка и литературы АН РУз).

В мировой лингвистике по изучению языковых особенностей грамматического значения проводится ряд исследований, в частности: определение влияния других смежных ярусов в речевой реализации грамматического значения; обоснование перехода грамматического значения как языковой сути в целостности лексических, синтаксических и прагматических факторов; установление лингвопрагматических, психолингвистических и лингвокультурологических особенностей грамматического значения; выявление содействия в речи языковых и прагматических факторов; раскрытие реализации грамматического значения в общности и частности.

Степень изученности проблемы. Несмотря на наличие определенных размышлений по поводу систематичности речи, в них подразумеваются особенности языковых единиц образования речевой единицы, то есть

